



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозогистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозогистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доцент

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент, тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Гулчехра Азизовна Агзамова XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....	4
2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов «ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....	11
3.Зумрад Касимова УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4.Муродулла Мирзаев ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....	21
5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	30
6.Акмалжон Марозиқов ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	37
7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....	43
8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида).....	49
9.Dilrabo Shomurodovna Murodova BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....	56
10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	61
11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	68
12.Kurbanov Golib Negmatovich SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Акмалжон Марозиқов,
ЎзМУ таянч докторанти

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОЙ –ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation: Akmal Marazikov. SOCIO-TERRITORIAL ASPECTS OF FARM DEVELOPMENT IN FERGANA REGION. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp.37-42



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-6>

АННОТАЦИЯ

Фарғона водийси турли табиий бойликларга бой бўлган минтақа ҳисобланиб, бу ерда деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик каби соҳалар равнақ топган, фарғоналик деҳқонлар ҳақли равишда деҳқончиликнинг сирларини пухта эгаллаган миришкорлар сифатида донг таратганлар, пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик хўжаликда илғор бўлган. Мустақиллик йиллари деҳқон хўжаликлариде етиштирилган маҳсулотига эгалик хиссининг ошиб бориши, шу асосда йилдан-йилга мавжуд ерлардан унумлироқ фойдаланишга интилиш сабаб ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Бу ҳолат табиийки, аҳолининг деҳқончилик маданияти ва тажрибасини чуқур эгаллаганлиги билан боғлиқ эди. Фарғона вилоятидаги ислохотлар давомида етиштирилган ҳосилни кўшни давлатларга экспорт қилиш имконияти ҳам ислохотларнинг давоми бўлиб қолди.

Калит сўзлар. Истеъмол моллари,тадбиркорлик, деҳқон хўжаликлариде, суғорма жеҳқончилик, ирмоқ, сой, экин майдони, деҳқончилик маданияти, иқтисодий районлар, ишсизлик.

Акмалжон Марозиқов,
Базовый докторант Национального университета Узбекистана

СОЦИАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ФЕРМЕРСКОГО ХОЗЯЙСТВА В ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

АННОТАЦИЯ

Ферганская долина - это регион, богатый различными природными ресурсами, где процветают сельское хозяйство, животноводство, садоводство и другие отрасли. За годы независимости продуктивность фермеров возросла из-за растущего чувства собственности на их продукцию и, исходя из этого, из-за стремления более эффективно использовать имеющиеся земли из года в год. Это было естественно из-за того, что у населения было глубокое понимание сельскохозяйственной культуры и опыта. Возможность экспорта

культур, выращенных в ходе реформ в Ферганской области, в соседние страны также стала продолжением реформ.

Ключевые слова. Товары народного потребления, предпринимательство, фермерские хозяйства, орошаемое земледелие, ручьи, ручьи, пахотные земли, сельскохозяйственная культура, экономические районы, безработица.

Akmal Marazikov,
Basic Doctoral student of Uzbekistan National Universiti

SOCIO-TERRITORIAL ASPECTS OF FARM DEVELOPMENT IN FERGANA REGION

ABSTRACT

The Fergana Valley is a region rich in various natural resources, where agriculture, animal husbandry, horticulture and other industries flourished. During the years of independence, the productivity of farmers has increased due to the growing sense of ownership of their products, and on this basis, the desire to use the available land more efficiently from year to year. This was naturally due to the fact that the population had a deep understanding of the farming culture and experience. The possibility of exporting the crops grown during the reforms in Fergana region to neighboring countries also became a continuation of the reforms.

Index Terms. Consumer goods, entrepreneurship, farms, irrigated agriculture, streams, streams, arable land, agricultural culture, economic regions, unemployment.

1. Долзарблиги:

Фарғона водийси турли табиий бойликлар, фойдали қизилмаларнинг кўплиги билан Ўзбекистоннинг бошқа районларидан фарқ қилиб, бу ерда нефть, отингугурт, озокерит, вольрам, мис, кўрғошин, молибден, олтин, марганец ва бошқа қатор фойдали қизилмаларнинг кўзга кўринадиган конлари мавжуд. Вилятда йиллар давомида пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик хўжалиги кенг ривожланиб келди. Фарғона, Қўқон, Қува, Тошлоқ, Яйпан шаҳарларида пахта тозалаш заводлари совет давлати ҳукмронилиги йилларида ҳам мамлакат манфаатлари учун хом ашё етказиб беришга хизмат қилди. Иттифок тарқалиб, республикалардаги иқтисодий қийинчиликлар биринчидан, аҳоли орасида ишсизликнинг ортиб боришига, иккинчидан халқ истеъмол молларининг тақчиллигига, дўкон пештахталарининг бўшаб қолишига, учинчидан эса харид қилинадиган керакли истеъмол молларнинг йўқлиги пулнинг қадрсизланиб боришига олиб келди. Бу айниқса Фарғона водийси шаҳарларида республиканинг бошқа шаҳарларига нисбатан жиддийроқ тус олди[1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мавзуга оид тадқиқотлар тарихчилар, иқтисодчилар томонидан олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим. Тарихчилар[2] архив маълумотлари, жонли суҳбатлар, вақтли матбуот саҳифаларидан фойдаланган мавзунинг тарихий жиҳатларини ёритмоқдалар. Иқтисодчилар[3] томонидан яратилган асарлар ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, уларда бизнесни бошқариш, иқтисодий ривожланиш прогнозлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асослари тадқиқ этилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Аҳолининг қарийиб 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қилувчи Фарғона вилоятида мустақилликнинг дастлабки йилларидан тадбиркорликни ривожлантириш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилди. Бинобарин, вилоят аҳоли сони кўпайиб бораётган минтақалардан бўлганлиги сабабли аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилиш лозим эди. Агар 1995 йилда вилоятда аҳоли сони 2444 минг кишини ташкил этган бўлса, йилига аҳоли ўсиши 2.5 фоиз ёки 50-60 минг кишига кўпади. Мавжуд аҳолининг 1165,2 минги меҳнатга лаёқатли бўлиб, 869,3 минг киши жамоат секторларида, 143,7 минг

киши эса уй хўжалигида банд бўлди. Меҳнат ресурсларининг йиллик ўсиши 23,0 минг кишини ташкил қилиб, шундан 10 минги кишлоқ жойларга тўғри келди[4].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик учун қулай бўлган географик ва иқлим шароитлари асосида ривожланиб борган Фарғона водийси тарихдан Ўрта Осиёда ерларида муҳим деҳқончилик минтақаси ҳисобланган. Археологик маълумотларга кўра, Фарғона водийси Туркистоннинг энг қадимги деҳқончилик ўчоқларидан бири бўлган. Бронза давридаёқ бу ерда асосан деҳқончилик чорвачилик билан боғлиқ бўлган Чуст маданиятивужудга келиб ривожланган. Кейинги ривожланиш даврларида эса Фарғонада деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик каби соҳалар янада раванк топиб, фарғоналик деҳқонлар ҳақли равишда деҳқончиликнинг сирларини пухта эгаллаган миришкорлар сифатида донг таратганлар.

Фарғона вилоятининг туманларида деҳқон хўжаликларининг экин майдонлари бир – биридан фарқ қилган. Ҳар бир туман, ёки ҳудуд маълум бир турдаги маҳсулот етиштиришга ихтисослашган. Масалан, Олтиариқ тумани эртанги бодринг, кузда эса узум ва турп етиштиришга, Қува тумани анор ва нок етиштиришга, Тошлоқ тумани помидор, булғор қалампири, Бувайда тумани анжир ва девзира гуруч етиштиришга, Фарғона, Риштон ва Бешариқ туманлари ўрик етиштиришга ихтисослашган. Ихтисослаштиришнинг бундай бўлишига йиллар давомида бир неча омиллар сабаб бўлиб келган. Масалан, шу жойда яшаётган кишиларнинг менталитети, табиий иқлими ва тупроқ шароити кабиларни киритиш мумкин. Буни бир неча юз йиллардан бера тақрорланиб келаётган асосий сабаблардан деб ҳисоблаш мумкин, шу боис йиллар давомида табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда маълум бир турдаги экинни етиштириш тажрибаси ва анъаналари шаклланиб, таркиб топиб келган.

Вилоятнинг Фарғона, Қўқон, Марғилон каби шаҳарларига яқин жойлашган туманларнинг деҳқон хўжаликларида асосан эртанги сабзавотлар, резавор ва картошка етиштириб келган, бугунги мустақиллик йилларида ҳам Олтиариқ туманида деҳқон хўжаликларининг умумий экин майдонларининг қарийиб 85 фоизи, Фарғона ҳамда Ўзбекистон туманидаги деҳқон хўжаликлари ва экин майдонларининг 66 фоизи, Охунбобоев ва Тошлоқ туманидаги деҳқон хўжаликлари экин майдонларининг 55 фоизига сабзавот экинлари экиб келадилар. Сўх туманидаги деҳқон хўжаликлари ўз томорқа ерларига асосан картошка ва шоли экадилар. Қувасой шаҳридаги деҳқон хўжаликлари эса ўзларига ажратилган экин майдонларининг 80-90 фоизини олма, беҳи, олхўри, нок, шафтлоли ва бошқа мевали дарахтлар билан банд қиладилар. Данғара ва Ёзёвон туманидаги деҳқон хўжаликлари қовун, тарқуз, шоли, ерёнғоқ ва бошқа сабзавот экинлари экадилар. Бувайда, Боғдод, Риштон туманидаги деҳқон хўжаликлари шоли етиштириш, қандак ўрик, анжир мураббосини тайёрлаш, ерёнғоқ, супурги етиштириш каби деҳқончилик билан шуғулланиб келадилар. Деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг мунтазам равишда юқори бўлишига мустақиллик йиллари уларнинг ерга ва етиштириган маҳсулотига эгаллик хиссининг ошиб бориши ва шу асосда йилдан-йилга мавжуд ерлардан унумлироқ фойдаланишга интилиш сабаб бўлди.

Шунингдек, вилоят туманларида деҳқонлар бир неча юз йиллик тажрибаларни қўллаш йўлига ҳам ўтдилар. Масалан, деҳқонлар 10 сотих экин экиладиган майдонга 15-20 тонна маҳаллий ўғитни 15-30 см. чуқурликда кўмиб, эрта баҳорда ер ҳайдайдилар. Орасини 2 м. қилиб ариқ олиб, унинг икки бетига гумусли тувакчаларда бодринг экадилар. Дасатлабки даврларда полиэтиленли пленкалар ўралади. Плёнкалар кўчатлардан 25-30 см. юқорида бўлади. Агротехник тадбирлар ва суғориш тизимини об ҳаво шароити ва кўчатларнинг навларига қараб олиб борадилар. Апрель ойининг охирларига бориб биринчи ҳосилни оладилар. Ҳар 2-3 кунда ҳосил олиб туришга эришиб, ҳосилдорликни 6-7 тоннага етказадилар. Деҳқонлар бодринг кўчатлари гуллаган вақтда, 5 майдан кечиктирмасдан, қатор ораларига маккажўхори экадилар. Бошланғич даврларда маккажўхорининг ўсиши 20-30 кунда 25-30 см.ни ташкил қилади ва анча катта бўлиб қолган бодринг кўчатларини ўсишига ҳалақит бермайди. Маккажўхори ҳосили июль ойининг охирларида йиғиштириб олинади.


Август ойининг ўниничи кунига қадар маккажўхори поясидан бўшатишган майдонларни хайдалиб, жўяклар олинади, сўнгра суғорилади. Жўякларни ҳар икки бетига турп экилади. Униб чиққан кўчатларнинг оралиғи 15-20 см.ни ташкил қилади, ноябрь ойига келиб ҳосил етилади. Турп кўчатлари чиқиши билан деҳқонлар жўякларнинг тепа қисмига икки қатор сабзи уруғ экиб чиқадилар. Сабзи билан турп бир вақтда етилади. Шунингдек, деҳқонлар ўз уйлари атрофлари ва томорқа ерларига турли мевали дарахтлар ҳам экидилар.

Мана шундай юқоридаги омиллар вилоятда деҳқончилик имкониятлари юқориликдан далолат беради. Масалан, 2010 йилга келиб вилоятда жами сабзавот маҳсулотининг 85,5 фоизи деҳқон хўжаликларида, 14,2 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилди. Картошканинг 83,7 фоизи, полиз экинларининг 51,7 фоизи, маванинг 30,8 фоизи, узумнинг 84,2 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди. 2010 йилги кўрсаткичларга кўра, Фарғона вилоятида шахсий томорқа хўжаликларида мева-сабзавот етиштириш учун ажратилган экин майдонлари жами вилоят бўйича 744.677 та оилада 42.400 га. ни ташкил қилиб, унинг 25,2 фоизи сабзавот учун, 11,8 фоизи картошка, 24,5 фоизи мевага, 12,3 фоизи узумчиликка мўлажалланди. Полиз экинлари учун 1,2 фоиз озуқа экинлари учун 9,7 фоиз, тут, терак ва бошқа кўчатлар учун эса 2,8 фоиз экин майдонлари ажратилди. Олтиариқ туманида 19,6 фоиз, Риштон туманида 12,1 фоиз, Тошлоқ туманида 8,5 фоиз шахсий томорқалар сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Тошлоқ туманининг 12,9 фоизи, Бешариқ туманининг 7,9 фоизи, Ёзёвон туманининг 7,6 фоизи, Фарғона туманининг 6,8 фоизи картошка етиштиришга ихтисослашди. Ўзбекистон туманининг 9,4 фоизи, Фарғона туманининг 9,5 фоизи, Тошлоқ туманининг 8,1 фоизи, Қувасой шаҳри турли меваларни етиштиришда етакчилик қилди. Ўзбекистон туманининг 16,4 фоизи, Охунбобоев туманининг 16,3 фоизи, Олтиариқ туманининг 12,7 фоизи узумчиликка ихтисослашди[5].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, деҳқон хўжаликлари асосан сабзавот, картошка, узумчиликда, фермер хўжаликлари эса мева ва полиз экинлари етиштиришда салмоқли ўрин тутиши бу аҳолининг деҳқончилик маданияти ва тажрибасини чуқур эгаллаганлиги билан боғлиқ эди. Вилоятда олиб борилган ишлар натижасида етиштирилган ҳосилни кўшни давлатларга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлинганлигини кўриш мумкин. Масалан, Фарғона вилояти Риштон туманида ташкил топган Хўжамназаров Жасур Мухаммадкарим ўғлирахбарлигидаги “ASIAN AGRO EXPO” масъсуляти чекланган жамият ҳозирги кунга келиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади, ўттизта иш ўрни яратилган. Жасур Хўжамназаров билан қилинган суҳбатда тадбиркорнинг таъкидлашича, “ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асосан Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинган. Ҳатто, 2019 йилда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри тадбиркорлари билан ҳамкорликда корхонага шартнома асосида инвестиция киритиш режалаштирилган[6].

Вилоятнинг Бешариқ тумани эса боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, бу соҳада бир қатор илгариланганлигини қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.

Фарғона вилояти Бешариқ туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг йўналишлар бўйича таркибий бўлиниши[7]. (сони)



Тадбиркорликнинг ривожланганлигини куйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. Масалан Фарғона вилояти Бешариқ тумани “БЕШАГРО ЭКСПОРТ” хусусий корхонаси Носиров Жаҳонгир раҳбарлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, мева-сабзавотларни қайта ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, 2019 йилда Россия билан шартнома тузилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш йўлга қўйилган. Корхона гилос, олча, олхўри каби меваларни қадоқлаб экспорт қилган. Корхонада ўнта ишчи фаолият олиб боради. Келажакда корхонани кенгайтириш мақсадида Беларуссия, Украина, Туркия давлатлари инвестиция киритиш учун келушув амалга оширилган[8]. МЧЖ шаклидги “DEUTSCHE AGROO” хорижий корхонаси бўлса 2016 йил 27 июлда ташкил этилган бўлиб, Халилов Сервер Синаверович раҳбарлик қилади. Корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, унда ўн тўққиз нафар ишчи фаолият олиб боради. Бу корхонага Германиянинг “RTSB” корхонаси уч юз минг доллар инвестиция киритган бўлиб, корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларини МДХ ва Европа давлатларига экспорт қилинмоқда[9]. Умуман, 2019 йилга келиб вилоятнинг Бешариқ туманида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 1342 тани ташкил этади. Жумладан, пахта ва ғаллачилик йўналишида 344 та, боғдорчилик ва узумчи-лик йўналишида 729 та, чорвачилик йўналишида 22 та, балиқчилик йўналишида 58 та, сабзавот ва полиз 27 та бошқа йўналишда 85 тани ташкил этди.

4. Хулосалар:

Ўзбекистон худудида, хусусан, Фарғона водийсида қадимдан ривож топган, ўзига хос мактаб яратган деҳқончилик маданияти бугунги унга келиб ҳам амалда қўллаб келинмоқда. Фарғона водийси ўзининг бир қатор жиҳатлари, чунончи, табиий-географик шароити, аҳолининг катта қисми қадимдан, ўтроқ турмуш туризини кечирганлиги, қолаверса этник таркибининг ранг-баранглиги билан минтақанинг бошқа тарихий-маданий ўлкаларидан фарқлиниб турган. Ўтмишда бу ўлканинг иқлимий мўътадил-лиги, сув манбаларининг сероблиги, деҳқончилик учун қулай табиий шароитнинг мавжудлиги билан Ўрта Осиёда салоҳиятли мавқега эга бўлган. Шунингдек, водий аҳолиси деҳқончилик маданиятининг ривожланишида ўзига хос тарихий анъаналарга эга бўлган. Шубҳасиз, бу борада бир неча минг йиллар мобайнида тўпланган тажриба ва нозик фенологик кузатишлар асосида, мустақиллик йилларида ҳам ўзбекларда деҳқончилик билан боғлиқ ўзига хос маданият шаклланди. Айнан, мазкур маданият асосида деҳқонлар табиий ресурслар, хусусан, ер ва сувдан унумли фойдаланиш, сермашаққат меҳнат эвазига ҳосил етиштириш борасидаги этномиллий анъаналари ва технологиялари мужассаслашди.

Иқтибослар/Сноски/References

[1]. Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарлари иқтисодиёти мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-1996 йй) / Фарғона водийси тарихидан мавусидаги республика илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2009. -388 бет. (Rahmatullaev Sh. The economy of the cities of the Fergana Valley in the early years of independence (1991-1996) / Proceedings of the Republican scientific conference on the history of the Fergana Valley. - Tashkent. 2009. -388 pages.)

[2]. Раҳматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарлари иқтисодиёти мустақилликнинг дастлабки йилларида (1991-1996 йй) / Фарғона водийси тарихидан мавусидаги республика илмий анжуман материаллари. – Тошкент. 2009.; Балтабаева М. Место малого бизнеса и предпринимательства в развитии промышленности и сельского хозяйства республики Узбекистан // Синтез науки и общества в решении глобальных проблем современности. – Россия. Казань. Сбор. стат. межд. Научно-практ. Конф. 2019. – с.52-56. Ва б. (Rahmatullaev Sh. The economy of the cities of the Fergana Valley in the early years of independence (1991-1996) / Proceedings of the Republican scientific conference on the history of the Fergana Valley. - Tashkent. 2009; Baltabaeva M. The place of small business and entrepreneurship in the development of industry and agriculture in the Republic of Uzbekistan // Synthesis of science and

society in the solution of global problems of modernity. - Russia. Kazan. Sbor.stat. mejd. Nauchno-prakt. Conf. 2019. - p.52-56. And b.)

[3]. Орипов О. Ривожланиш омили // Иқтисод ва ҳисобот. 1995. -№8.; Ғойибназаров Б. Ишбилармонлик ва деҳқон хўжаликлари (ёки Фарғона вилояти Бешариқ район деҳқон (фермер) хўжалиқларини ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг иқтисодий фаолиятини танланма кузатиш усулида ўрганиш натижалари) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№10.; Мусаева С. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таркибий- ижтимоий муаммолари (Фарғона вилояти кичик корхоналари мисолида). Иқт.ф.н.илм.дар.дисс. - Фарғона. 2005.; Абдурахмонова М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. илм.дар.олиш учун ёз.дис. автореф. - Тошкент. ТМИ. 2011.- 28 б. ва б. (Oripov O. Development factor // Economics and reporting. 1995. -№8 .; G'oyibnazarov B. Business and dehqan farms (or the results of the study of dehqan (farming) farms of Besharik district of Fergana region and the economic activity of individuals engaged in individual labor activity by the method of selective observation) // Economics and Reporting. 1996. -№10 .; Musaeva S. Structural and social problems of entrepreneurship development in the context of economic liberalization (on the example of small enterprises in Fergana region). Phd in economic -academic degree dissertation -Fergana. 2005; Abdurahmonova M. Improving government support for small business and private entrepreneurship. Phd in economic academic degree dissertation Tashkent. TMI. 2011.- 28 p.)

[4]. Йўлдошев Б., Юсупов О. Фаровон турмуш сари (Қишлоқ жойларида ёрдамчи саноат корхоналарини ривожлантириш ҳақида) // Иқтисод ва ҳисобот. 1996. -№11, - 30 бет. (Yuldashev B., Yusupov O. Towards a prosperous life (On the development of ancillary industrial enterprises in rural areas) // Economics and Reporting. 1996. -№11, - 30 pages.)

[5]. Байманова М.Ж., Исроилова Ҳ.М. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг жорий ҳолати ва унинг ўзгариши // Иқтисод ва молия. -№7, 2011. – Б. 24. (Baymanova M.J., Isroilova H.M. The current state of fruit and vegetable production in the context of economic liberalization and its changes // Economy and Finance. -№7, 2011. - Page 24.)

[6]. Фарғона вилояти Риштон тумани “ASIAN AGRO EXPO” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Хўжамназаров Жасур Мухаммадкарим ўғли билан қилинган суҳбат. Суҳбат 2019 йил 29 апрелда қилинган. (Interview with Jasur Muhammadkarim oglu Khojamnazarov, head of ASIAN AGRO EXPO LLC, Rishtan district, Fergana region. The interview was conducted on April 29, 2019.)

[7]. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Бошқармаси Бешариқ тумани статистика бўлими. 2019.-16 бет. (Besharik district statistical department of the State Statistics Department of the Republic of Uzbekistan. 2019.-16 pages.)

[8]. Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Бешагро экспорт” хусусий корхонаси раҳбари Жаҳонгир Носиров билан қилинган суҳбат. Суҳбат 2019 йил 3 мартда қилинган. (Interview with Jahongir Nosirov, head of Beshagro Export, a private enterprise in Besharik district of Fergana region. The interview was conducted on March 3, 2019.)

[9]. Фарғона вилояти Бешариқ тумани “Бешагро экспорт” хусусий корхонаси раҳбари Жаҳонгир Носиров билан қилинган суҳбат. Суҳбат 2019 йил 3 мартда қилинган. (Interview with Jahongir Nosirov, head of Beshagro Export, a private enterprise in Besharik district of Fergana region. The interview was conducted on March 3, 2019.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000